2017 ЙИЛ 3 МАЙ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 93 (13.426)

Баҳоси эркин нархда

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган Эдуардс Стипрайс, Қирғизистон Республикаси, Франция Республикаси, Италия Республикаси, Чехия Республикаси, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Данияр Сидиқов, Виолен де Вильмор, Андреа Бертоцци, Ярослав Сиро, Нобуаки Ито, Амани ал-Итр, Аҳмет Башар Шен, Ҳишам бин Мишал ал-Сувейлимдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.**

Президентимиз дипломатик миссиялар раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб пухта ўйланган ташқи сиёсатни изчил амалга ошириб келмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассамдир.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқий тамойилларга ва Конституциямизга, мамлакатимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўлиқ мос ҳолда амалга оширилмоқда.

Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз.

Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашувига, ҳарбийларимизнинг чет эллардаги операцияларда иштирок этишига йўл қўймаслик давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади.

Ташқи сиёсат соҳасидаги барча ҳамкорларимизга нисбатан очиқлик ва хайрихоҳлик руҳида, прагматик сиёсат олиб борамиз, деб таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан самарали муносабатларни юксак қадрлайди. Бунинг мустаҳкам ҳуқуқий негизини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади. Ушбу ҳужжат асосида кўп қиррали муносабатларнинг таъсирчан механизмлари – Ҳамкорлик кенгаши ва қўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси ва бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

"Европа Иттифоқи – Марказий Осиё" форматидаги вазирларнинг навбатдаги учрашуви шу йил кузда Ўзбекистонда ўтказилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўтган йили "Тўқимачилик битими"нинг Европа парламенти томонидан тасдиқлангани савдо-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш учун янги истиқболлар очмоқда.

Мамлакатимиз Ўзбекистон – Европа шериклигининг кенг кўламли инвестиция дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқимизда "Ён қўшни – жон қўшни", "Қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақоллар бор. Булар тарих тажрибасидан келиб чиқиб, неча минг йиллик яхши қўшничилик муносабатларини инобатга олиб айтилган буюк ҳикматли сўзлардир.

Ўзбекистон Республикаси Қирғизистон Республикаси билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга кўтаришни муҳим вазифа деб билади. Халқларимиз ўртасидаги замонлар синовидан ўтган қардошлик ришталари ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатлари, муштарак маданий қадриятлар орқали узвий боғланиб кетган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Самарқанд шаҳрида ўтказган музокаралари икки томонлама ҳамкорлик соҳасида янги саҳифа очди. Мамлакатимиз Қирғизистон билан ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини тан олиш асосида ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда янада самарали ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кенг кўламли алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоси сифатида Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлаган.

Давлатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда. Шу йил март ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Парижга, апрель ойида эса Франция ташқи ишлар вазири Тошкентга ташриф буюрди.

Франция компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги иштирокини, икки томонлама савдо ҳажми ўсиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Ўзбекистонда Франция тараққиёт агентлигининг тузилмаси иш бошлади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ёшларимизнинг француз тилини пухта ўрганиши учун "Француз альянси"нинг мамлакатимиздаги фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Икки давлат парламентлари орасида яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари бўйича Ўзбекистон – Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг шу йил Рим шаҳридаги навбатдаги йиғилиши икки томонлама савдо-сотиқ ҳажмининг ўсиши, иқтисодиётимизга Италия сармоялари ортиши учун қулай шарт-шароит яратади.

2009 йилда Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университети Ўзбекистон ёшлари ҳавас билан интиладиган олий ўқув юртларидан биридир. Иқтисодиётнинг реал секторидаги талабни инобатга олган ҳолда, жорий йилда мазкур университет учун қабул квоталарини ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланмоқда. 2015 йилда Чехия Сенати раиси М.Штех, жорий йил февраль ойида Депутатлар палатаси раиси Я.Гамачек бошчилигидаги делегациялар мамлакатимизда бўлди. Томонлар турли даражадаги, жумладан, олий мақомдаги ташрифларни амалга оширишдан манфаатдор.

Савдо, инвестиция ва туризм соҳаларида ҳали ишга солинмаган катта имкониятлардан келгусида Ўзбекистон ва Чехия равнақи, халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг фойдаланиш мумкин.

Япония Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутадиган стратегик ҳамкоридир. Япония нафақат иқтисодий ривожланган, балки глобал муаммоларни ҳал этишда тобора сезиларли роль ўйнаётган қудратли давлатдир.

Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи кўп қиррали ҳамкорлигимизни стратегик шериклик руҳида ривожлантириш йўлида янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Япония билан инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорликни янада кенгайтириш, юқори технологиялар, транспорт инфратузилмаси, коммуникация, машинасозлик каби истиқболли тармоқлар бўйича лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга оширишга тайёр.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошида ташкил этиладиган Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация марказининг ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Мазкур марказ саноат тармоқларига энг илғор инновацион ғоя ва технологияларни кенг татбиқ этиш, соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон ва Миср халқларини кўп асрлик ришталар, муштарак маданий қадриятлар боғлаб туради. Нил дарёсида сув ҳажмини ўлчайдиган ноёб қурилма – ниломер ускунасини яратган буюк аждодимиз Аҳмад Фарғонийнинг бой илмий мероси билан халқларимиз бирдек фахрланади.

Аллома бобомизнинг Қоҳира шаҳрида барпо этилган муаззам ҳайкали тимсолида Миср халқининг ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми ифодасини кўрамиз.

Ўзбекистон нафақат минтақада, балки араб ва мусулмон оламида катта обрў-эътиборга эга Миср Араб Республикаси билан анъанавий дўстона ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор.

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг Самарқандда ўтган музокаралари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш жараёнини бошлаб берди.

Ўзбекистон икки томонлама келишувларни амалга ошириш бўйича барча соҳаларни қамраб олган Амалий ҳаракатлар режасини, яъни ўзига хос "йўл харитаси"ни қабул қилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Туркияга ташрифи чоғида савдо ва сармоявий, туризм, транспорт коммуникациялари, логистика ва бошқа соҳаларда эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Туркия ташқи ишлар вазирининг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи доирасида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда ҳаж амалини адо этишни истаётган юртдошларимиз ортиб бораётганини инобатга олиб, 2017 йилда мамлакатимиздан ҳаж зиёратига борувчилар сони оширилди.

Ўзбекистон Саудия Арабистони билан халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар, жумладан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатларга алоҳида аҳамият қаратади. Ўзбекистон ҳозирги вақтда ушбу ташкилотнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгаши фаолиятига раислик қилмоқда.

Ўзбекистон Саудия Арабистони билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли муносабатларни савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳаларда янада фаоллаштириш тарафдори.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев элчиларни мамлакатимизда иш бошлаётгани билан самимий табриклаб, уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг архитектура қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Тасдиқланган бош режалар бўйича Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш юқори суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда, ижтимоий-бозор инфратузилмасининг ривожланган тармоғи яратилди.

Шу билан бирга шаҳарсозлик фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни, аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси объектларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини қўпол равишда бузишнинг кўпдан-кўп фактлари аниқланди.

Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида функция ва ваколатларнинг аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини режа асосида ривожлантириш ҳамда комплекс равишда қуришга жиддий зарар етказаётган асоссиз ва шошма-шошарлик билан лойиҳа-режалаштириш ечимлари қабул қилинишига, шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қурилиш сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2017 ЙИЛ 6 МАЙ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2017 ЙИЛ 8 МАЙ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май – Хотира ва қадрлаш кунининг халқимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-маънавий ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2017 йил 6 май шанба дам олиш куни 2017 йил 8 май душанба кунига кўчирилсин ва иш куни деб ҳисоблансин;

2017 йил 8 май душанба куни дам олиш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 2 май*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, балиқчилик ва балиқ овлаш ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

**а) балиқ чавоқларини етиштиришни такомиллаштириш бўйича:**

табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш учун қимматли балиқ турларини кўпайтиришни йўлга қўйишда балиқчилик тармоғи ташкилотларига кўмаклашиш;

личинка ишлаб чиқариш бўйича янги инкубация цехларини ташкил этиш, балиқ чавоқлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш, балиқ чавоқлари етиштириш бўйича мавжуд ҳовузларни модернизация қилиш ва кенгайтириш;

**б) табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича:**

(Давоми 3-бетда)

"Ташаббус – 2017"

## ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

***Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман босқичларида энг яхши деб топилган 22 нафар тадбиркор ва ҳунарманд иштирок этди.***

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ва илғор тажрибаларини оммалаштириш доимий эътиборда. Бу эса ишлаб чиқариш субъектлари сонининг ортиб боришига ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда ўзбекона урф-одат ва анъаналаримизни асрлар давомида сақлаб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз ҳам тараққий этиб бораётир. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида юртимизда ушбу соҳа янада равнақ топди. Авлоддан-авлодга, устадан-шогирдга ўтиб келаётган ҳунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш анъанаси давом этмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 46 тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.**

**• Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари Қадирбой Нарманов ҳамда Болтабой Сапаровга янги турар жойларнинг калитлари топширилди.**

**• Самарқандда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоятдаги тиббий марказлар ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 218 иштирокчи тиббиёт муассасаларига ишга жойлашиш учун йўлланма олди.**

ЖАҲОНДА

**• Европа Иттифоқи Яманга гуманитар ва иқтисодий кўмак сифатида 116 миллион еврога тенг пул ажратади, Еврокомиссия Европа Иттифоқи Ямандаги вазиятга дунёдаги энг йирик гуманитар инқироз деб қараётганини қайд этди. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатнинг 70 фоиз аҳолиси гуманитар ёрдамга муҳтож.**

**• Мексика ҳукумати Аргентина билан ҳамкорликда эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этишни режалаштирмоқда. Йил охирига қадар ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилган ушбу лойиҳа амалга ошса ҳар иккала давлат учун ўзаро савдо-сотиқнинг ривожланишида янада кенг имкониятлар очилади.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz

№ 93 (03.05.17)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятининг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этишни, шаҳарсозликнинг норматив-ҳуқуқий ва институционал базасини янада такомиллаштиришни, шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Моддий-техника базаси юқори даражада бўлган ва ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланадиган лойиҳа ташкилотларининг кенг миқёсли ҳудудий тармоғи мавжуд эмаслиги, илғор хорижий тажриба, архитектура ва дизайн соҳасидаги ютуқлардан, шунингдек, инновацион дастурий ечимлардан етарлича фойдаланилмаслиги шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси қурилиш соҳасида давлат маблағлари ва ресурсларидан нооқилона фойдаланилишига олиб келмоқда.

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасини янада ривожлантириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ҳолатини яхшилаш, аҳоли пунктларини комплекс қуриш бўйича қабул қилинаётган қарорлар учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг, қўмита ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг шаҳар ва аҳоли пунктлари бош режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ишлари қониқарсиз деб топилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалар асосида аҳоли пунктларини комплекс қуриш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қўллашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига сўзсиз риоя этилиши устидан тизимли давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш, буюртмачилар томонидан техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари томонидан муаллифлик назорати ўтказилишини текшириш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкиллаштириш, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва давлат шаҳарсозлик кадастри амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларини, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар олиб бориш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергия тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш нормалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш, қурилиш индустрияси, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда замонавий талабларга мос келадиган ҳудудий тармоқларни кенгайтириш, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, муаллифлик назоратининг роли ва масъулиятини ошириш, шаҳарсозлик, лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасини ўтказиш;

меҳнат унумдорлиги оширилишини, қурилиш қиймати пасайтирилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этиш, Қурилиш пудрат ташкилотлари реестрини юритиш;

бозор ислоҳотлари жараёнларини чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш, корпоратив нормалар ва нарх белгилашнинг ролини ошириш, лойиҳалаш ва қурилишнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш;

капитал қурилишда давлат харид тизимини такомиллаштириш, танлов (тендер) ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш;

архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қурилиш фаолиятининг айрим турларини экспертизадан ўтказиш;

архитектура, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида тизимли асосда малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш, республиканинг ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан ошириш, қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар ва мутахассисларнинг доимий асосда малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси, шунингдек, қўмита ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари зиммасига шаҳар аҳоли пунктларининг бош режалари ва муфассал режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш, уларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини қўмитага топшириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси этиб, архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари билан, қайта ташкил қилинсин, унинг энг муҳим вазифаси этиб, аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаларига қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилишини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига сўзсиз риоя этишлари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб бориш белгилансин.

Қуйидагилар белгилансин:

Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекциясининг бошлиғи лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика архитектура шаҳарсозлик кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

шаҳарсозлик ва архитектурани янада ривожлантириш концепциялари ва дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил этиш;

шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва архитектура комплексларининг бош режалари лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш, уларнинг амалга оширилиши, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, муҳим шаҳарсозлик нормалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

илмий асосланган ҳолда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш ва қуриш, замонавий талабларни, миллий архитектура-маданий анъаналарни, шаҳар ҳудудларидан самарали фойдаланиш, табиий муҳитга зиён етказмайдиган муносабатда бўлишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш тузилмасини уйғун ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли пунктларининг ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмасини комплекс янгилаш, замонавий шаҳар марказларини шакллантириш, эски турар жой муҳитининг шинамлигини сифат жиҳатдан оширишни ва тарихий-архитектура мероси объектлари сақлаб қолинишини назарда тутган ҳолда эски шаҳар туманларини реконструкция қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши (А.Ж.Раматов) аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, комплекс равишда қуриш, ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини таъминлаш бўйича аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидалари бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳамда вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни амалиётга жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузурида, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузурида 1-"а"-иловага мувофиқ намунавий таркибда ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларини тузиш ва уларнинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини ҳамда туманлар (туман гуруҳлари)ни режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, муфассал режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ўз тасарруфидаги ҳудудларда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

аҳоли пунктларини ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш тўғрисида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

бош режаларни, муфассал режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш, шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудларда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича вилоят, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилмаган ҳолда шаҳарлар ва туманлар марказларининг тасдиқланган бош режаларига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъий назар:

белгиланган тартибда тасдиқланган бош режалар ва муфассал режалаштириш лойиҳалари мавжуд бўлмаганида шаҳар ва туман марказларида объектларни жойлаштириш ва қуриш (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно);

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясининг қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан экспертизасининг ижобий хулосаси ва рухсати мавжуд бўлмаганида объектларни қуриш ва реконструкция қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) қатъий тақиқлансин.

Белгилансинки, истисно ҳолларда тасдиқланган бош режаларга ва муфассал режалаштириш лойиҳаларига эга бўлмаган шаҳарлар ва туман марказларида мақсадли дастурларда ва Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат қарорларида назарда тутилган уй-жой ва ижтимоий-фуқаролик аҳамиятидаги объектларни жойлаштириш ва қуриш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг:

ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибига ўтказиш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига таъминлаш харажатларини молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

10. Қуйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъий назар лойиҳа-қидирув ташкилотларининг бажарилаётган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмининг 0,1 фоиз миқдоридаги мажбурий ажратмалари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун солинган жарималардан тушган маблағлар (суд харажатлари чиқариб ташланган);

Ўзбекистон Республикасининг резидент ҳамда норезидент юридик ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий ҳомийлик бадаллари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда беғараз ёрдами ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи қарорлари лойиҳаларини киритсин;

б) бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 1 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий меъморий қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янгилаш ҳамда реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг архитектура-лойиҳалаштириш тизимини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги замонавий турар жойлар барпо этилиши натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда. 2016 йил охиридан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қатлами учун шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида арзон уй-жойларни қуриш ишлари янада тезкор суръатларда давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар аҳоли пунктларида қурилиш ишларини олиб бориш ва реконструкция қилиш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш давомида белгиланган тартиб, қоида ва меъёрлар қўпол равишда бузилаётган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда давлат бошқаруви органлари ўртасида ҳудудларни ривожлантиришда шаҳарсозлик жараёнини бошқариш борасида вазифалар ва ваколатларнинг аниқ чегаралари мавжуд эмаслиги шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларини режали ривожлантириш ва комплекс қуриш ҳамда изчил ривожлантириш борасида шошилинч, баъзида эса нотўғри лойиҳавий-режали қарорлар чиқарилишига сабаб бўлмоқда.

Замонавий лойиҳалаштириш усулларини, амалий дастурий маҳсулотларни, илм-фан, архитектура ва дизайн ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, замон талабларига жавоб берадиган, мураккаб ҳамда юқори категорияли лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш имкониятига эга истиқболли ёшларни жалб этиш учун етарли қизиқиши бўлмаган лойиҳа ташкилотлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Бугунги кунда шаҳарсозлик соҳасига оид асосий масалалар ва муҳим муаммоларни ҳал этиш ғоят долзарб вазифа экани инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Хусусан, қабул қилинган Фармон, аввало, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида ягона давлат ва илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш жараёнидаги ролини оширишга қаратилган бўлиб, унинг фаолиятидаги асосий вазифалар ва йўналишларни белгилаб беради. Жумладан:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий базани мунтазам равишда такомиллаштириб ва янгилаб бориш;

лойиҳалаш ишлари ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, қурилишда ишлаб чиқариш жараёнига илғор технологиялар жалб қилинишини ташкил этиш;

бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва капитал қурилишда давлат харидларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш;

архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш.

Фармонда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, жумладан, аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришда, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, қурилиш материаллари ҳамда маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, буюртмачи томонидан техник назорат ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари томонидан муаллифлик назоратининг олиб борилишида шаҳарсозлик тартиб-қоидалари ва меъёрларига риоя этиш бўйича қатъий назорат ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси этиб қайта ташкил қилинди.

Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси бошлиғи ўз лавозимига кўра бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари, ҳудудий инспекциялар бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг ўринбосари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ўринбосарлари ҳисобланишлари белгилаб қўйилган.

Юклатилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари инспекторларига қуйидаги ҳуқуқ берилмоқда, яъни:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар билан келишилмаган ҳолда, молиявий манбаларнинг туридан қатъий назар, барча қурилиш объектларида, жумладан, шахсий уй-жой қурилиш объектларида рухсат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қисқа муддатли инспекторлик текширувларини амалга ошириш.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликни тегишли тартибга келтириш ва мазкур қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлардан бири – тасдиқланмаган бош режаларсиз ва мукаммал режалаштирилмаган лойиҳаларсиз шаҳар ва туман марказларида ҳар қандай кўринишдаги шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, лойиҳаларсиз ва қонунчилик меъёрларида кўзда тутилган бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ушбу Фармонга мувофиқ тақиқланади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, шунингдек, республиканинг ўн тўртта ҳудудида биттадан архитектура-қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежи Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимига ўтказилгани қабул қилинган Фармондаги муҳим янгиликлардан биридир.

Бу қадам ёшларни тармоққа жалб этиш, соҳа кадрларини тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, фан, назария ва амалиётнинг, шунингдек, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва қурилиш амалиёти билан узвийлигини таъминлаш, ўқув муассасалари битирувчиларини кафолатли иш билан таъминлашга қаратилгандир.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузурида асосий фаолияти ўқув жараёнларига маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртлари, лойиҳа-қурилиш фирма ва компанияларидан малакали мутахассисларни жалб этиш орқали ўқув жараёнлари сифатини оширишга қаратилган таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи жамғарма ташкил этилмоқда.

Ушбу Фармон билан шаҳарлар қиёфасини шакллантиришда архитектура-шаҳарсозликнинг муҳим ўрин эгаллаши инобатга олиниб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланди ва унинг вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифалар қаторидан аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш ва комплекс қурилишларнинг бош режаларга мослиги таъминланганини инобатга олган ҳолда, давлат ва хўжалик юритувчи органлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятидаги ана шу муҳим ва устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарор билан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг марказий аппарати, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Архитектура-қурилиш назорати давлат инспекцияси ташкилий тузилмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитасининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг намунавий тузилмалари, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бўлимларининг намунавий тузилмалари тасдиқланди;

ҳудудий бўлинмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тўғридан-тўғри бўйсундирилиши ва ҳисобдорлиги, шунингдек, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини тайинлаш ва озод этишнинг янги тартиби жорий этилиши белгиланди.

Юклатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида Қўмита тузилмасида янги вазифа ва фаолият йўналишларига эга қуйидаги бошқарма ва бўлимлар ташкил этилади:

лойиҳалашда техник меъёрлаштириш, қурилишда янги лойиҳавий ечимлар, технологиялар ва материалларни жорий этиш бошқармаси;

лицензиялаш, лойиҳалаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳалаш хизмати бозорини ривожлантириш бошқармаси;

пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, пудрат ишлари бозорини ривожлантириш ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва Жамғармани бошқариш бўлими.

Қўмитанинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари, давлат экспертизаси бошқармалари ҳамда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига қайта бўйсундирилди.

Умумий ҳисобда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимидаги ходимлар сони 466 нафарга етказилиб, уларнинг 386 нафарини туман ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимларидаги ходимлар ташкил этади. Бу билан шаҳар ҳамда туман архитектура ва қурилиш бўлимлари штат бирликлари уч нафарга етказилди.

Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳарсозликни янада ривожлантириш бўйича қарор билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий-техник базани такомиллаштиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ чоралар кўришни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва қарори ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизими фаолиятини самарали бошқариш имконини беради.

Аҳоли учун қулай турмуш тарзини яратиш, шунингдек, ривожланган ишлаб чиқариш, ижтимоий, муҳандислик-транспорт инфратузилмасига эга обод аҳоли пунктларини барпо этиш олиб борилаётган шаҳарсозлик сиёсатининг муҳим натижаси бўлиб қолади, албатта.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

сув ҳавзалари ташкил этиш учун ер участкалари бериш масалаларида тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

балиқ етиштиришнинг замонавий технологияларини, шу жумладан, қафас усулини кенг жорий этиш ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида маҳсулдорликни кўпайтириш ҳисобига балиқ овлаш ҳажмларини ошириш;

балиқлар учун тўла қийматли, юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш йўли билан балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

**в) балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш бўйича:**

балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестицион ва экспорт сиёсатини изчил амалга ошириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда нархлар мониторингини олиб бориш;

табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш, республикада аквакультурани ривожлантиришни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

имтиёз ва енгилликлар бериш, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг маблағларини жалб этиш йўли билан балиқчилик тармоғи ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, балиқ маҳсулотлари нархлари шаклланишининг мақбул механизмини белгилаш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, балиқ маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш;

халқаро талабларга мувофиқ сифат менежменти тизимининг замонавий усулларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни, балиқ маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш ва қадоқлашни жорий этиш;

балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни кенг жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.

3. "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг ташкилий тузилмаси, унинг ижро этувчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 20 нафар бўлган тузилмаси ва ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларнинг намунавий тузилмаси 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раисига зарурат бўлганда бошқарув ходимларининг штатдаги чекланган умумий сони доирасида ижро этувчи аппарат тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари муассисларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланадилар;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ижро этувчи аппарати фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш Уюшманинг аъзолари бўлган ташкилотларнинг бадаллари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг масъулияти чекланган жамият шаклида инвестиция компанияси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларнинг устав жамғармасини шакллантириш, балиқчилик тармоғидаги ташкилотларнинг айланма маблағларини тўлдириш ва кўпайтиришга кўмаклашиш;

балиқчилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштириш орқали балиқчиликни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишида ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларга кўмаклашиш;

маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг хизматлари кўрсатиш.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки:

ҳудудий "Балиқсаноат" масъулияти чекланган жамиятлари (кейинги ўринларда ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлар деб аталади) ва балиқчилик тармоғининг бошқа ташкилотлари "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг муассислари ҳисобланади;

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан ташкил этилаётган инвестицион компания, устав жамғармасида камида 51 фоиз улуши билан ҳамда балиқчилик тармоғининг бошқа ташкилотлари ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларнинг муассислари ҳисобланади;

ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлар ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг ташкил этилиши 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бир ой муддатда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станциясини Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига белгиланган тартибда айлантирсин ва унинг филиалларини Айдар-Арнасой кўллар тизимида ва республиканинг бошқа ҳудудларида ташкил этсин.

8. Илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишларини, замонавий озуқалар рецептурасини ишлаб чиқиш ва балиқчилик тармоғида замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашиш бўйича бошқа тадбирларни амалга оширишни, балиқларнинг касалликлари профилактикаси ва уларни даволашни, тармоқни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари шакллантирилишини молиялаштириш учун "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, табиий сув ҳавзалари ижарасидан тушган маблағлар тўлиқ миқдорда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 13 августдаги 350-сон қарорига мувофиқ Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида ташкил этилган бюджетдан ташқари Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси тугатилсин.

9. Ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларни ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича 5-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлари ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ташкил этилишини;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси устави тасдиқланишини ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ижро этувчи аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ва штатлар жадвалига мувофиқ юқори малакали мутахассислар билан пухта танлаш асосида тўлдирилишини таъминласин.

10. Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **2017-2021 йиллар даврида балиқчилик тармоғини янада комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратсин:**

балиқчилик тармоғининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

балиқлар учун юқори оқсилли озуқалар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва янги қувватларни барпо этиш йўли билан балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

балиқларнинг юқори маҳсулдор зотларини жорий этиш, балиқ етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич кўпайтириш, ички эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш учун сув ҳавзаларининг сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш;

ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлар негизида инкубация цехларини қуриш, балиқларни парвариш қилиш жойларини, балиқни қайта ишлаш ва омухта ем ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш;

**Айдар-Арнасой кўллар тизимидан янада самарали фойдаланиш, балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлашни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;**

**республика сув омборларидан самарали фойдаланиш учун балиқ етиштириш ва овлаш ишларини ташкил этиш;**

**юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш йўли билан балиқ етиштиришнинг қафас усулини тизимли равишда кенг жорий этиш;**

балиқчилик тармоғи ташкилотларига бошқариладиган нархлар бўйича моддий-техника ресурсларини етказиб бериш, шунингдек, катерлар, қайиқ ва бошқа махсус техникаларни сотиб олиш;

балиқчилик маҳсулотлари сифати менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, шунингдек, уни халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар, шунингдек, балиқчилик тармоғи учун илмий тадқиқотчилар, ихтиолог мутахассислар тайёрлашнинг ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштириш ва янгилаш, кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлар буюртманомалари бўйича сунъий кўллар, чавоқ етиштириш ва инкубация цехлари қуриш учун ер участкалари ажратилишини;

балиқ овлаш тармоғини ривожлантириш мақсадида табиий сув ҳавзаларини 2018 йилдан бошлаб белгиланган тартибда доимий равишда танҳо фойдаланиш учун "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига берилишини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

балиқчилик хўжаликларига табиий сув ҳавзалари участкаларини ажратиш, балиқни саноат йўли билан овлаш, балиқчилик ташкилотларининг табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлиги учун ижара тўловини ҳисоблаш ва ундириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

13. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйи бўлинмалари базасида қафас ускуналари ҳамда балиқчилик тармоғининг, шу жумладан, Айдар-Арнасой кўллар тизими ишчиларининг вақтинчалик яшаши учун махсус вагонлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бир ой муддатда таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

балиқчилик тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида балиқчилик факультетини ташкил этсин;

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Арнасой қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-ҳунар коллежи базасида балиқчилик тармоғи учун кадрлар тайёрлашни ҳамда мазкур коллеж Тошкент давлат аграр университетига бириктирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси билан биргаликда ҳар йили озиқ-овқат буғдойи балансини шакллантиришда омухта ем ишлаб чиқариш учун ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖларга биржа савдолари орқали сотиш учун буғдой ажратилишини назарда тутсин.

16. "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, ҳудудий "Балиқсаноат" МЧЖлари ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси таркибига кирувчи юридик шахслар 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда личинка, балиқ чавоқлари ва товар балиқ етиштиришдан, балиқчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашдан олинган даромадлари бўйича ягона солиқ тўлашдан озод этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг асосланган буюртмалари бўйича премикслар, ветеринария препаратлари, балиқ чавоқлари, балиқни қайта ишлаш бўйича технологияларни, бошқа зарур материаллар ва ускуналарни ҳамда махсус техникаларни сотиб олиш учун маблағларнинг етишмаётган қисмини конвертация қилишни таъминласин.

18. "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига Уюшманинг аъзолари манфаатларини кўзлаб даъволар тақдим этиш, давлат органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан давлат божи тўламасдан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг буюртманомаларига биноан балиқчилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг буюртманомаларига биноан балиқчилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг буюртманомаларига биноан балиқчилик тармоғида ишлаш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (муддатини узайтиришни), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасини Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 21-"а"-уй манзилига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р.Парпиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 1 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, сифатли балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда қарийб 3 минг гектар янги сунъий ҳовузлар ташкил этилди, уларда 900 тага яқин янги балиқчилик хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Балиқчилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан 116 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2016 йилда 76 минг тоннага яқин балиқ етиштирилди, бу 2015 йилдагига қараганда 16 минг тонна кўпдир.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш ҳамда табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўллардан самарасиз фойдаланиш балиқчилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади. Натижада сунъий кўлларнинг ҳосилдорлиги бир гектарда 20 центнердан ошмайди, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан анча пастдир. Балиқчилик соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, интенсив технологияларни кенг жорий этиш ва балиқ етиштиришнинг юқори технологик усулларидан фойдаланиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Балиқчиликни янада ривожлантириш ва аҳолини кенг турдаги ва арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлашдаги камчиликлар, муаммолар ва мавжуд имкониятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 27 апрель куни Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш чоғида кўрсатиб ўтилди.

Балиқчилик тармоғидаги бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ташкил этилади, унинг таркибига жойларда балиқчилик тармоғи ташкилотлари ишларини мувофиқлаштирувчи 13 та ҳудудий "Балиқсаноат" масъулияти чекланган жамияти киради.

Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкилий-технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ чавоқларини такрор кўпайтириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўлларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, балиқ етиштириш жараёнига илмий асосланган усулларни ва интенсив технологияларни жорий этиш "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, балиқчилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий ва техник янгиликларни тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станцияси Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди ва Айдар-Арнасой кўллар тизимида ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларида унинг филиалларини очиш белгиланди.

Тармоқ лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, шунингдек, маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг хизматлари кўрсатиш йўли билан балиқчиликни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш учун қарорда "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг инвестицион компаниясини ташкил этиш маъқулланди ва унинг улуши янгидан ташкил этилаётган ҳудудий "Балиқсаноат" масъулияти чекланган жамиятларининг устав фондида камида 51 фоизни ташкил этади.

Илмий-тадқиқот, селекция ва наслчилик ишларини молиялаштириш, озуқаларнинг замонавий рецептураларини ишлаб чиқиш ва балиқчилик тармоғига илғор технологияларни жорий этишда кўмаклашиш, балиқларнинг касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш ҳамда тармоқни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш мақсадида "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасида Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасини, унинг ҳудудий "Балиқсаноат" масъулияти чекланган жамиятларини ва уюшма таркибига кирувчи юридик шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 2023 йилнинг 1 январигача уруғ, балиқ чавоқлари ва товар балиқ етиштиришдан, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашдан олинган даромадларидан ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар берилмоқда. Бунда бўшайдиган маблағлар, биринчи навбатда, белгиланган тартибда балиқчилик ташкилотларини иқтисодий қўллаб-қувватлашга, балиқчилик тармоғининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Мазкур қарор билан, шунингдек, балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга, балиқ чавоқлари билан таъминлашга, балиқ етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган **2017-2021 йиллар даврида балиқчилик тармоғини янада комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури**ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Юқори маҳсулдор балиқ турларини иқлимлаштириш ишларини илмий асосда ташкил этиш ҳисобига балиқларнинг африка лаққаси, тиляпия, форель, венгер сазани ва осётр турларини кўпайтириш йўлга қўйилади. Бу, ўз навбатида, ички бозорларга узлуксиз равишда кенг ассортиментдаги арзон ва сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб берилишини таъминлайди.

Шубҳасиз, бу ютуқларга эришиш учун бир қатор кечиктириб бўлмайдиган ва амалий вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ҳал этиш талаб этилади. Улар жумласига Айдар-Арнасой кўллар тизими ва сув омборларидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қафас усулида балиқ етиштиришни кенг жорий этиш, балиқ етиштирувчи ва балиқ овловчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган бир қатор касб-ҳунар коллежларининг ихтисослашувини қайта кўриб чиқиш ва Тошкент давлат аграр университетида балиқчилик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш факультетини ташкил этиш, бу борада халқаро тажрибани ўрганиш ва балиқчилик соҳасида ишлаш учун чет эл мутахассисларини жалб этиш каби масалалар киради.

Қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши балиқчилик тармоғининг барча соҳасини қамраб олувчи ва унинг жадал ривожланишини таъминловчи ягона бошқарув тизими ташкил қилинишига, янги иш ўринлари яратилишига, балиқ етиштириш ҳажмларини кескин кўпайтиришга, республика аҳолисининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ва соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари олимлари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э.Боситхонова ва бошқалар мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилишнинг самарали механизмини жорий этишга қаратилаётган эътибор тиббий-ижтимоий соҳадаги муаммоларни самарали ҳал этиш, инсон саломатлигини асрашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар тубдан такомиллашмоқда.

Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига 2017 йил 1 майга қадар тиббиёт соҳасига тааллуқли 25 мингга яқин мурожаат тушган. Улар ўрганилганда, баъзилар саломатлигини яхшилаш учун тиббий кўмак сўраган, айримлар тиббиёт ходимларининг муомала маданиятидан ранжиб шикоят йўллаган. Меҳнат ва бандлик, моддий ёрдам, дори-дармон нархи, тиббий таълим масалалари, ногиронлик гуруҳини белгилаш, нафақа, протез, техника воситалари сўраб қилинган мурожаатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан алоҳида назоратга олиниб, уларнинг ечимини топиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Натижада бугунги кунгача мурожаатларнинг 93 фоизи ўз ечимини топган, олти фоизи кўриб чиқилмоқда, бир фоизининг эгасини аниқлаш имкони бўлмагани учун аноним деб топилган.

Матбуот анжуманида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш такомиллашиб бораётгани қайд этилди. Бунга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, қонун доирасида бажаришда раҳбарларнинг ва масъул ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш, масъулиятини ошириш орқали эришилмоқда. Бу чора-тадбирлар мурожаатларни белгиланган муддатда кўриб чиқиш, самарали ечимини топиш, аҳоли билан мулоқотни кучайтиришга замин яратмоқда. Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Доимий фаолият юритадиган 1003 рақамли "ишонч телефони" йўлга қўйилди. Аҳолини қийнаётган муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида вазирликнинг масъул ходимлари ҳудудларда ўтказилаётган сайёр қабулларда фаол қатнашмоқда.

Халқимизнинг тиббий хизматдан рози бўлишини таъминлашда соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, дастур ва лойиҳалар тасдиқланди. Хусусан, бирламчи тиббий-профилактика ёрдамининг сифатини ошириш, патронаж хизматини такомиллаштириш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ҳудудийлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Экологик муҳитни соғломлаштириш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олишга эътибор кучаймоқда.

Матбуот анжуманида соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тиббиёт тизимини такомиллаштиришга доир дастур ва лойиҳалар хусусида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб қайтарди.

**Б.ХИДИРОВА**

# ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов тадбиркорлар ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари ва ижодий ишларини кенг намойиш этиш, фикр алмашиш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳсулотлар намойишида тадбиркорлар маиший техника, миллий автомобилларимизга эҳтиёт қисмлар, косметика, қурилиш маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари сингари кенг турдаги маҳсулотларни намойиш этди. Ҳунармандлар эса миллий либослар, зебу зийнатлар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари ва бошқа санъат асарлари билан кўргазмани янада бойитди.

Танловни юқори савияда ва холислик асосида ўтказиш учун тадбиркорларнинг бир қатор жиҳатлари: янги иш ўринларини ташкил этиш, маҳсулотлар ҳажмини ошириш, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги фаоллигига эътибор қаратилмоқда.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинацияси бўйича ғолибликни "Kamolot Istiqlol Komakchisi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Турсунов қўлга киритган бўлса, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деб ёғоч ўймакорлиги йўналишида ижод қилаётган Илҳомжон Саломов эътироф этилди.

– Бошқа иштирокчилар каби мен ҳам ғолиб бўлиш ниятида келгандим, ниятимга етдим ва бундан жуда мамнунман, – дейди И.Саломов. – Мамлакатимизда биз, ҳунармандлар учун кўплаб имкониятлар яратилган. Шу боис миллий ҳунармандчилигимиз бугун яхши ривожланди. Мана бундай танловлар ва кўргазмаларда ҳунармандларнинг ўз истеъдодини намойиш этиши ёшларимизда бу соҳага бўлган қизиқишни янада орттиради.

Шунингдек, "Энг яхши оилавий бизнес соҳиби", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор", "Менинг юртим – менинг фахрим", "Энг яхши экспортчи", "Энг масъулиятли ижтимоий шерик", "Ўзининг савдо белгиларини йўналтириш ва янги бозорларни эгаллаганлик учун" ҳамда "Республика ички бозорларида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиққанлик учун" каби қатор номинациялар бўйича ҳам тадбиркорлар тақдирланди.

Ташкилотчилар томонидан ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Биринчиликни эгаллаган тадбиркор ва ҳунарманд танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Абдуалим САЛИМОВ**





***Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Шифокор" спорт мажмуасида "Биз соғлом юрт фарзандларимиз" шиори остида ташкил этилган спорт тадбири бўлиб ўтди.***

# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА СПОРТ БАЙРАМИ

Мазкур спорт тадбири "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг ижроси ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида ўтказилди. Унда академиянинг барча факультетлари ва академик лицейнинг спорт жамоалари иштирок этишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент тиббиёт академиясининг ректори Лазиз Тўйчиев ва бошқалар барчани ана шундай спорт байрами билан қутлаб, уларга мусобақаларда ҳамда ўқиш ва иш фаолиятларида муваффақиятлар тилашди.

Спорт тадбирининг аввалида Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш, тиббий педагогика, тиббий профилактика, олий маълумотли ҳамшира, малака ошириш ва ҳарбий тиббиёт факультетлари ҳамда академик лицей, шунингдек, академиянинг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти фаолларидан таркиб топган жамоаларнинг тантанали чиқишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг спорт беллашувларига старт берилди.

– Бу каби спорт мусобақаларини академиямизда мунтазам равишда уюштириб туриш яхши анъанага айланган, десам муболаға бўлмайди. Чунки, бўлғуси шифокор ўзи соғлом бўлсагина беморларни яхши даволай олади. Қолаверса, мана шундай тадбирлар орқали биз талабаларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни мақсад қилиб олганмиз, – дейди Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Холматова.

Бир ой давомида Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Шифокор" спорт мажмуасида ўтказилган спорт мусобақалари икки босқичда бўлиб ўтди. Аввал, талабалар ўзаро беллашишган бўлса, сўнгра академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда клиникалар ходимлари ва фарзандлари спортнинг мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, бадминтон каби турларида беллашишди. Спорт тадбирининг финал қисмида эса қатнашчилар 100 ва 400 метрга ҳамда оилавий эстафетали югуриш, шейпинг, тош кўтариш бўйича мусобақаларда қатнашдилар.

– Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг ўрни жуда муҳим саналади. Бугунги тадбирда талабаларимизнинг нафақат илм олишда, балки спортда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини барчага исботлай олишяпти. Шунингдек, спортни хотин-қизлар ўртасида оммалаштириш, уларни ўзлари қизиққан спорт турларига кенг жалб этишда ҳам бундай мусобақаларнинг ўрни беқиёсдир, – дейди Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий профилактика факультети доценти, тиббиёт фанлари номзоди Нурхон Муҳаммедова.

Шунингдек, мусобақаларнинг маданий қисмида талабалар ўзларининг миллий рақс, аския ва куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, йиғилганларни хушнуд этдилар.

Кескин ва муросасиз тарзда кечган мусобақалар натижаларига кўра, 100 метрга югуриш бўйича 1-ўринга тиббий педагогика факультети талабаси М.Нуртоев, 2-ўринга ҳарбий тиббиёт факультети курсанти С.Тўхтаев, 3-ўринга олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси С.Зокиржонов, 500 метрга югуришда эса 1-ўрин тиббий профилактика факультети талабаси Ш.Ҳабибуллаевга, 2-ўрин тиббий педагогика факультети талабаси Э.Раҳматовга, 3-ўрин ҳарбий тиббиёт факультети курсанти Б.Язматовга насиб этди.

Талабалар орасида ўтказилган эстафетада 1-ўринни тиббий педагогика факультети, 2-ўринни даволаш факультети ва 3-ўринни тиббий профилактика факультети жамоаси эгаллади. Шунингдек, оилавий эстафетада 1-ўрин тиббий профилактика факультетидан Дўстовлар оиласига, 2-ўринга тиббий педагогика факультетидан Ризаевлар оиласи ва 3-ўринни даволаш факультетидан Ғаниевлар оиласи қўлга киритди.

Тош кўтариш мусобақасида эса даволаш факультети талабаси Э.Эшмуродов ҳамда тиббий профилактика факультети талабаси Э.Бекмуродовлар бир хил натижа кўрсатиб, 1-ўринга лойиқ топилишган бўлса, 2-ўрин ҳарбий тиббиёт факультети курсанти Б.Ҳайитбоевга ва 3-ўринни Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси, ёш ва умидли спортчи И.Тойиров эгаллаб, катта акаларидан қолишмаслигини исботлаб қўйди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда спорт ҳамда жисмоний тарбияга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли келажак авлодимиз ҳар томонлама бақувват, маънан ва жисмонан етук бўлиб камол топмоқда. Зеро, юртимизнинг соғлом ва баркамол фарзандлари азми шижоат, куч-қудрат ва салоҳият бобида буюк аждодларининг давомчиларидир.

**Б.ЖЎРАЕВ, Қ.НИЗОМОВ**
**К. Ўлмасов олган суратлар**

## 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

# ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК УНУТИЛМАЙДИ

***Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ва "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида уруш қатнашчилари кўнглини олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасини ёд етишдек эзгу мақсадлар мужассам.***

Учтепа туманидаги "Дийдор" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Дилором Отамуҳамедованинг хонадони доимо гавжум. Айниқса, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу хонадондан хабар олиш учун келувчилар янада кўпаяди.

Бу ерга келганларнинг аксарияти Дилором опанинг турмуш ўртоғи марҳум Воҳид Отамуҳамедовни эслаб, хотирлашади.

1974 йилда туғилган Воҳид Отамуҳамедов ҳозирги Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтини тамомлаб, Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармасига профилактика инспектори бўлиб ишга киради.

Ҳар жиҳатдан билимли, чаққон, сергак ходим ички ишлар органларида ўз ўрнини топиб, фаолияти давомида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Ҳудуддаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бор маҳорати, билим ва салоҳиятини ишга солиб тинчлик, осойишталикни сақлаш учун жонини фидо қилди.

2000 йилнинг 23 сентябрида тумандаги тозалаш тадбирида қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш вақтида В.Отамуҳамедов ҳалок бўлди.

Турмуш ўртоғининг вафотидан кейин Дилором опа ҳам ички ишлар органларида ишлаб, турмуш ўртоғининг ишини давом эттиришни мақсад қилди. Ҳозир у Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлимида фаолият юритмоқда.

Уч ёшли фарзанди билан эридан эрта ажралиб қолган Дилором опанинг ҳолидан хабар олиш, Ватан тинчлиги, осойишталиги учун жонини қурбон қилган фуқароларнинг хотирасини абадийлаштириш давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

– Турмуш ўртоғимнинг хизматлари юқори баҳоланиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фармонига кўра, 2001 йилда "Жасорат" медали билан тақдирланди, – дейди Дилором Отамуҳамедова. – Ушбу юксак мукофотни олар эканман, турмуш ўртоғимнинг умри қисқа бўлса-да, ҳаётини тинчосуда кунлар, бугунги фараҳбахш дамлар учун фидо қилганидан ғурурландим.

Йигирма ёшни қаршилаган Зоҳиджон ҳам келажакда Ватанимиз ва халқимизнинг тинчлигини сақлаш учун етук инсон бўлиб камол топиб, отасининг изидан боришни кўнглига туккан.

– Дадамдан айрилдик, аммо бахтимизга ғамхўр Президентимиз, меҳр-оқибатли халқимиз бор, – дейди Зоҳиджон. – Улар томонидан оиламизга кўрсатилган катта моддий ва маънавий ёрдам ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Чилонзор туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Пётр Анпилоговнинг хонадонида ҳам бўлди.

Тўқсон тўрт ёшни қаршилаган П.Анпилогов Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач ички ишлар органларида самарали фаолият юритди. Умрини юрт тинчлиги ва осойишталигига бағишлаган отахон ҳозир набиралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Чилонзор туман ички ишлар бошқармаси ходимлари, давлат идоралари ва жамоатчилик вакиллари отахонни Президентимиз номидан байрам билан табриклаб, пул мукофоти ва совға-саломлар топширди. Меҳр-эътибордан мамнун бўлган отахон кўзда ёш билан миннатдорлик билдирди.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**


## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 2 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Миробод СИБ томонидан хатланган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 06.09.2016 йил №22028/11-сонли ижро иши асосида: 2006 й/и/ч, кумуш рангли, д/р/б 01Z936LA "Matiz". Бошланғич нархи 20273929 сўм. 2. 06.09.2016 йил №22039/11-сонли ижро иши асосида: 1988 й/и/ч, кулрангли, д/р/б 01K681MA "Ниссан Блюберд". Бошланғич нархи 4909656 сўм. 3. 06.09.2016 йил №22035/11-сонли ижро иши асосида: 1983 й/и/ч, жигаррангли, д/р/б 10L082FA "ВАЗ 2102". Бошланғич нархи 5840150 сўм. 4. 1984 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01R789EA "Ваз 21011". Бошланғич нархи 4530650 сўм. 5. 15.04.2016 йил №12084/11-сонли ижро иши асосида: 1976 й/и/ч, кўк рангли, д/р/б 01O646KA "ВАЗ 2101". Бошланғич нархи 3807327 сўм. 6. 15.04.2016 йил №12085/11-сонли ижро иши асосида: 1990 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01T679NA "ВАЗ 21061". Бошланғич нархи 8649287 сўм. 7. 04.12.2015 йил №37126/6-сонли ижро иши асосида: 1978 й/и/ч, қизил рангли, д/р/б 01P840BA "ВАЗ 2101". Бошланғич нархи 3655935 сўм. 8. 06.05.2015 йил №9740/6-сонли ижро иши асосида: 1992 й/и/ч, кул рангли, д/р/б 30C7832 "Москвич 21412". Бошланғич нархи 1728546 сўм. Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27-уй манзилидаги ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланмоқда.

9. 15.04.2016 йил №19120/6-сонли ижро иши асосида: 1994 й/и/ч, кўк металлик рангли, д/р/б 10U114AA "Tico". Бошланғич нархи 8793637 сўм. 10. 15.04.2016 йил №16190/6-сонли ижро иши асосида: 1975 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01U894PA "ВАЗ 21011". Бошланғич нархи 1895781 сўм. 11. 04.12.2016 йил №37127/6-сонли ижро иши асосида: 1976 й/и/ч, кўк рангли, д/р/б 10H941HA "ВАЗ 2103". Бошланғич нархи 4530944 сўм. 12. 15.04.2016 йил №27654/6-сонли ижро иши асосида: 1983 й/и/ч, яшил рангли, д/р/б 10B946AA "МАЗ 5432". Бошланғич нархи 51575099 сўм. 13. 15.04.2016 йил №19124/6-сонли ижро иши асосида: 1975 й/и/ч, қизил рангли, д/р/б 01F236QA "ВАЗ 2101". Бошланғич нархи 1948865 сўм. 14. 09.11.2015 йил №27674/6-сонли ижро иши асосида: 1996 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01W072AA "Daewoo Espero". Бошланғич нархи 23760000 сўм. 15. 2002 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 10/332SAA "Tico". Бошланғич нархи 15213944 сўм. Автотранспорт воситалари "SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда сақланмоқда.

16. 18.04.2016 йил №12137-41/11-сонли ижро иши асосида: "Зафар-И" божхона омборида сақланаётган, 1997 й/и/ч, қизил рангли, д/р/б WRA 22019 "Volvo FH-12" рефрижератор. Бошланғич нархи 184789583 сўм. 17. 14.05.2014 йил №16192/6-сонли ижро иши асосида Ўзбекистон Республикаси МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган, 1987 й/и/ч, қизил рангли, д/р/б 11D205 "JAWA" мотоцикл. Бошланғич нархи 1304921 сўм. 18. 10.12.2015 йил №37202-07/6-сонли ижро иши асосида МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган, 1991 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01/3227AA "Chereau" тиркамаси. Бошланғич нархи 61200000 сўм. 19. 1991 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01/4519AA "Shmitz" тиркамаси. Бошланғич нархи 61200000 сўм. 20. 1998 й/и/ч, оқ рангли, д/р/б 01/3126AA "Chereau SKO-24" тиркамаси. Бошланғич нархи 68500000 сўм. 21. 1998 й/и/ч, кўк рангли, д/р/б 01X868LA "MAN-19463 FLTN" юк автомашинаси. Бошланғич нархи 115000000 сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81.

*Гувоҳнома 5477*

**"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 22 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Шайхонтоҳур СИБ томонидан хатланган, қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.04.2016 йилдаги №11516/11-сонли ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган: 2009 й/и/ч, д/р белгиси 75/U191BA, кулранг, Шайхонтоҳур т. Лайлитўғон 1 "Auto Plaza Servis" МЧЖда сақланаётган, "EPICA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 47 166 091 сўм, 15 тийин.

2017 йил 2 июнь куни соат 11:00 да ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 25.06.2014 йилги ҳукми асосида берилган, 21.07.2014 йил №5909/15-сонли ижро варақасига асосан: 1993 й/и/ч, д/р/б 01H334EA, сариқ рангли, техник носоз "Dogan" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 765 586 сўм, 33 тийин.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 22.06.2015 йилги ҳукми асосида берилган, 08.07.2015 йил №27012/11-сонли ижро варақасига асосан: 1996 й/и/ч, д/р/б 01Z352RA, кулранг, техник носоз "ГАЗ 310290" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 8 550 949 сўм, 24 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Автомото-Ҳаваскор Ганга сервис" ШК автоуловларни сақлаш майдони.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 23.12.2014 йилдаги ҳукми асосида берилган, 15.04.2015 йил №14955/15-сонли ижро варақасига асосан: 1990 й/и/ч, д/р/б 01L749KA, техник носоз, қаймоқ рангли, "Ford Transit" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 13 432 567 сўм, 13 тийин. 2. 2001 й/и/ч, д/р/б 10V031JA, техник носоз, оқ рангли, "ГАЗ-322132" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 8 185 593 сўм, 4 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Авто Плаза Сервис" МЧЖ автоуловларни сақлаш майдони.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81.

*Гувоҳнома 5477*

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 6 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Яккасарой туман СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг:

1. 25.06.2015 йилдаги №1-339/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган "Автомотоҳаваскор Орландо" жарима майдонида сақланаётган: 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 S 078 OA бўлган "ВАЗ-2106" машинаси. Бошланғич баҳоси: 2 967 733,44 сўм.

2. 16.04.2015 йилдаги №1-246/15-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёлар омборхонасида сақланаётган: 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 H 651 PA бўлган, техник носоз ҳолатда "ЗАЗ-968" машинаси. Бошланғич баҳоси: 415 686,24 сўм.

2017 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

II. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан 04.12.2016 йилдаги № 23696/10-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/143PBA бўлган "Камаз 5410" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 14 230 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 6 июнь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 2 июнь куни соат 16:00. 2017 йил 19 май кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 17 май куни соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг АТБ "InFinBank" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5003, МФО: 01141, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86.

*Гувоҳнома 004593.*

## Реклама ва эълонлар

Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнобод филиалининг банк биноси майдонини, ер ости сувлари билан техник суғориш мақсадида, қувур бурғулаш учун 2017 йилнинг 3 майдан 18 майга қадар

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Батафсил маълумотлар учун (871) 289-69-60, (871) 289-64-29 рақамларига телефон қилишингиз мумкин.

*Хизматлар лицензияланган.*


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **4 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 535
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9488 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.45
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ